



ТУРЛИ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ ТИЗИМЛАР ЎЗARO ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ТАМОЙИЛЛАРИ

PhD Имамназаров Жаҳонгир

"Islamic Business and Finance" масъулияти чекланган жамияти

ORCID: 0009-0007-3117-5953

jimamnazarov@gmail.com

Аннотация. Мақолада турли молия-иқтисодий тизимларнинг ўзаро интеграциясига оид назарий ва амалий асослар таҳлил қилинган. Асосий эътибор тизимли ёндашув ва "Safety Cube Theory" асосида иқтисодий тизимлар, инсон ва муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқликка қаратилган. Тадқиқотда капиталистик, исломий, марказлашган, рақамли ва инклюзив иқтисодий моделлар таҳлил қилиниб, уларни биргаликда барқарор ривожлантиришнинг асосий тамойиллари илгари сурилган.

Калит сўзлар: тизимли интеграция, молиявий тизим, ислом иқтисодиёти, рақамли иқтисодиёт, барқарорлик, синергия.

ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ ПРИНЦИПЫ ВЗАИМОИНТЕГРАЦИИ РАЗЛИЧНЫХ ЭКОНОМИКО-ФИНАНСОВЫХ СИСТЕМ

PhD Имамназаров Жаҳонгир

Общество с ограниченной ответственностью

"Islamic Business and Finance"

Аннотация. В статье анализируются теоретические и практические основы взаимной интеграции различных финансово-экономических систем. Основное внимание уделяется взаимосвязи между экономическими системами, человеком и окружающей средой на основе системного подхода и "Теории кубов безопасности". В исследовании проанализированы капиталистическая, исламская, централизованная, цифровая и инклюзивная экономические модели и выдвинуты основные принципы их совместного устойчивого развития.

Ключевые слова: системная интеграция, финансовая система, исламская экономика, цифровая экономика, стабильность, синергия.

FUNDAMENTAL PRINCIPLES OF INTERINTEGRATION OF DIFFERENT ECONOMIC AND FINANCIAL SYSTEMS

PhD Imamnazarov Jahongir

"Islamic Business and Finance" Limited Liability Company

Abstract. The article analyzes the theoretical and practical foundations of the mutual integration of various financial and economic systems. The main focus is on the interrelationship between economic systems, the individual, and the environment based on a systematic approach and "Safety Cube Theory." The study analyzes capitalist, Islamic, centralized, digital, and inclusive economic models and puts forward the basic principles of their joint sustainable development.

Keywords: system integration, financial system, Islamic economy, digital economy, stability, synergy.

Кириш.

Тизимли интеграция назарияси илмий нуқтаи назаридан турли соҳалардаги мустақил элементларни ягона мақсадга хизмат қилувчи тизим сифатида бирлаштириш жараёнини изоҳлайди. Унинг моҳияти шундаки, ҳар қандай мураккаб тизим фақат ўзининг ички тузилиши эмас, балки бошқа тизимлар билан бўлган ўзаро муносабати орқали ҳам самарали фаолият кўрсатади. Бу назария илк бор инженерия ва хавфсизлик соҳасида қўлланилган бўлса-да (Rajabalinejad ва бошқ., 2020), унинг ғоялари иқтисодий тизимларни таҳлил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тизимли ёндашув объектни мустақил эмас, балки ўзаро боғланган элементлар мажмуаси сифатида кўради. Бу йўналиш ривожига Ludwig von Bertalanffy (General Systems Theory), Niklas Luhmann (Social Systems Theory), ва кейинчалик Rajabalinejad (Safety Cube Theory) каби олимлар муҳим ҳисса қўшган. Уларнинг умумий фикрига кўра, ҳар қандай тизим “ички тузилма (структура) – ташқи муҳит – инсон омили” ўртасидаги мувозанатга асосланади.

Rajabalinejad ва ҳаммуаллифлар (2020) томонидан ишлаб чиқилган “Хавфсиз куб назарияси” тизимли интеграция назариясининг такомиллашган шакли ҳисобланади. Унда ҳар бир тизим учта асосий ўлчамда таҳлил қилинади:

1. Инсон – фойдаланувчи, бошқарувчи ёки манфаатдор субъект сифатида;
2. Тизим – технологик, иқтисодий ёки институционал тузилма сифатида;
3. Муҳит – ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва табиий шароитлар мажмуаси сифатида.

Ушбу уч омил ўртасидаги барқарор ва хавфсиз муносабат “интеграциянинг мувозанат нуқтаси”ни белгилайди. Кубнинг ҳар бир томони муайян ўзаро таъсир йўналишини англатади:

- “Инсон – Тизим” муносабати — бошқарув, ишонч ва мувофиқлашув масалалари;
- “Тизим – Муҳит” муносабати — ташқи омилар, бозор ва сиёсий таъсирлар;
- “Инсон – Муҳит” муносабати — ахлоқий, маданий ва экологик муносабатлар тизими.

Ушбу модел иқтисодий тизимларга нисбатан татбиқ этилганда, турли иқтисодий моделлар таъсири орқали интеграция бўлади. Масалан, капиталистик тизим моддий манфаат ва эркин бозорни асосий мақсад сифатида белгиласа, ислом сиёсий-иқтисодий тизими иқтисодий адолат ва ижтимоий тенгликни устувор деб билади. Бу икки тизим ўртасидаги мувозанат инсон қадриятлари ҳалоллик ва ижтимоий масъулият каби, тизим меъёрлари ва муҳит омиллари масалан, бозор инфратузилмаси ёрдамида таъминланади.

Тизимли интеграция назариясидаги муҳим ғоялардан бири “синергия, яъни ҳамкорлик тамойили”дир. Унга кўра, турли тизимлар ўзаро ҳамкорлик қилганда, натижа ҳар бир тизимнинг алоҳида самарасидан юқори бўлади. Яъни, иқтисодий тизимлар интеграциясида мақсад уларни бир хил шаклга келтириш эмас, балки уларнинг кучли жиҳатларини бирлаштириб, барқарор ривожланишга хизмат қиладиган янги модел яратишдир.

Бу назариянинг иккинчи муҳим жиҳати — “барқарор хавфсизлик интеграцияси” тушунчасидир. Унга кўра, ҳар қандай интеграция фақат самарадорлик нуқтаи назаридан эмас, балки хавфсизлик ва барқарорлик нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши керак. Иқтисодий тизимлар учун бу тамойил молиявий хатарларни камайтириш, ижтимоий нотенгликни олдини олиш ва экологик барқарорликни таъминлашни англатади.

Тизимли интеграция назариясининг аҳамияти шундаки, у турли иқтисодий тизимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўп ўлчамли ва ўзаро боғлиқ яхлит тизим сифатида талқин этиш имкониятини тақдим этади. Бу ёндашув нафақат макроиқтисодий жараёнларни, балки инсоннинг микродаражадаги иқтисодий қарорларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Натижада, тизимли интеграция назарияси иқтисодий моделлар интеграциясида қуйидаги илмий вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- турли иқтисодий тизимларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;
- инсон омилининг интеграция жараёнидаги аҳамиятини баҳолаш;
- хавфсиз ва барқарор иқтисодий бирлашув моделларини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, тизимли интеграция назарияси иқтисодий тизимлар ўртасидаги муносабатларни янги илмий парадигма асосида изоҳлайди. Унда инсон, тизим ва муҳит бир-биридан ажралмас, балки ўзаро боғлиқ элементлар сифатида қаралади. Бу ёндашув кейинги бўлимларда турли иқтисодий тизимларнинг интеграциясини таҳлил қилиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Arif-Ur-Rahman (2020) “Financial integration and total factor productivity” асарида молиявий интеграция иқтисодий ўсишга, айниқса умумий омил продуктивлигига қандай таъсир қилишини таҳлил қилади. Молиявий ресурсларни халқаро миқёсда олиш имконияти, капитал оқимлари ва технологияларнинг трансферини молиялаштириш орқали ички инвестицияларни қўллаб-қувватлаш интеграциянинг асосий механизми сифатида кўриб чиқади.

Frost (2021) “From financial innovation to financial integration”, мақоласида жамият хулқ-атвори молиявий инновацияларнинг интеграция учун асосий драйвёри эканлигини таъкидлайди ва бу жараёнда жамият хулқ-атворини оширишда интеграцияга эришиш давлат базали институтлар ва тартиб-қоидалар зарурлигини келтирган.

Haddad (2023) “Global Financial Market Integration: A Literature Survey” асарида, молиявий бозор интеграциясига доир 380 дан ортиқ мақолани кўриб чиқади. Муаллиф турли тадқиқот йўналишларини ажратади ва келажакдаги тадқиқот учун молиявий масалаларга доир муаммоларни белгилайди.

Хомякова (2024) “Экономическая интеграция стран СНГ в финансовой сфере” Россиянинг Межгосударственный банкдан Хомякова СНГ давлатлари ўртасида молиявий ва валютали интеграцияни таҳлил қилади. Мақолада миллий валюталарда ўзаро тўлов тизимлари, ўзаро ҳисоб-китоблар ва интеграциянинг негизий тўсиқлари муҳокама қилинади.

Голодова (2021) “Развитие финансовой интеграции в условиях внедрения финансовых технологий в странах Евразийского экономического союза” мақоласида ЕАЭС доирасида молиявий технологиялар (fintech) ва интеграциянинг ролини таҳлил қилади. Автор интеграциянинг саноат, техник ва институционал жиҳатларини кўриб чиқади.

Юсупов (2021) “Интеграция финансовых технологий и цифровой экосистемы в стратегии устойчивого роста банковского сектора Узбекистана” мақоласида молиявий технологиялар билан иқтисодий интеграция ўртасидаги шакллар ва уларнинг миллий молия тармоғига таъсири кўриб чиқади.

Обидов (2021) Ўзбекистонда интеграция потенциали ва уни амалга оширишдаги омилларни таҳлил қилинади. Мақолада ресурсларнинг мажмуий фойдаланиши, интеграция салоҳияти ва минтақавий тузилмалар ўртасидаги самаралар муҳокама қилинади.

Алимова (2021). “Интеграция принципов ESG в финансовую сферу Республики Узбекистан” номли мақоласида, ESG (экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув) тамойиллари асосида миллий молия тизимидаги интеграцияси жараёнини муҳокама қилинади.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот иқтисодий ва молиявий тизимларнинг ўзаро интеграцияси жараёнида шаклланидиган фундаментал тамойилларни аниқлаш, уларнинг амал қилиш механизмларини асослаш ҳамда интеграция самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишга қаратилган. Методология тадқиқотнинг илмий асосини ташкил этади ва унда қўлланиладиган ёндашувлар, усуллар, таҳлил инструментлари ҳамда тадқиқот босқичлари батафсил баён этилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Замонавий дунёда иқтисодий тизимлар бир-биридан фарқ қилувчи фалсафий, сиёсий ва этик асосларга таянган ҳолда фаолият юритади. Ҳар бир тизим муайян қадриятлар, меъёрлар ва мақсадлар мажмуаси орқали шаклланади. Яқин тарихда социалистик, капиталистик ва ислом иқтисодий моделлари мавжуд бўлган бўлса, бугунга келиб рақамли ва инклюзив иқтисодий тизимлар саҳнага чиқди. Демак, ушбу тизимларнинг ўзаро фарқини аниқлаш уларнинг интеграция механизмларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Капиталистик иқтисодий-молиявий тизим.

Капиталистик тизим замонавий жаҳон иқтисодиётининг асосий модели бўлиб, унинг марказида эркин бозор, хусусий мулк ва фойда тушунчалари туради. Адам Смит, Давид Рикардо ва Милтон Фридман каби иқтисодчиларнинг ғояларига асосланган бу тизим рақобат орқали самарадорлик ва инновацияни таъминлайди, деб ҳисобланади.

Капиталистик тизимда молия тармоғи марказий ўрин эгаллайди. Банклар, инвестиция муассасалари ва фонд бозорлари капитал тақсиротини таъминлайдиган асосий бўғимлар ҳисобланади. Бироқ, бизнинг фикримизча ушбу тизимнинг асосий муаммолари истеъмолчилик кайфиятини тарғиб қилиш ва инсониятга берилган барча имкониятларни тўхтовсиз эксплуатация қилган ҳолда ўсишни таъминлашга интилишдир. Бундай ёндашувнинг салбий натижалари хусусан глобал капитал бозорларидаги номутаносиблик ва молиявий инқирозлар орқали намоён бўлади.

Шу билан бирга, ҳозирги босқичда капиталистик иқтисодиёт “рақамлашув ва ESG тамойиллари” асосида қайта трансформация жараёнини бошдан кечирмоқда. Бозор иқтисодиёти энди фақат фойда эмас, балки ижтимоий манфаат ва экологик самарадорликни ҳам баҳолаш мезонига айланмоқда. Шу билан бирга Ислом иқтисодиётини ҳам келтириб ўтиш лозим.

Ислом молия-иқтисодий тизими.

Ислом иқтисодиёти бу иқтисодий муносабатларни шариат қоидалари асосида ташкил этувчи тизим бўлиб, унинг марказида адолат ва шаффофлик асосидаги ҳамкорлик тамойиллари туради. Бу тизимнинг асосий ғояси фақат фойда олиш эмас, балки барқарор ижтимоий ривожланишни таъминлаш, дейиш мумкин.

Ислом молия тизимида қуйидаги тамойиллар асосий ўрин тутати:

- Рибо (судхўрлик) тақиқланган, яъни молиявий фойда фақат реал иқтисодий фаолият орқали олинади;
- Майсир ва ғарар (қимор ва ноаниқлик) ман этилган;
- Барча шартномалар аниқ, адолатли ва икки томон учун манфаатли бўлиши керак;
- Инвестициялар шериклик тамойили асосида (мудароба, мушорака) амалга оширилади.

Ислом иқтисодий тизимининг замонавий намуналари Малайзия, Саудия Арабистони ва БААда шаклланимоқда. Бироқ, глобал миқёсда унинг капитал бозорлари ва халқаро молия тизимлари билан тўлиқ интеграцияси ҳали етарли даражада эмас. Шу сабабли, бугунги кундаги асосий вазифа ислом ва анъанавий молия тизимларини мувофиқлаштиришдир.

Марказлашган иқтисодий тизим.

Марказлашган иқтисодиёт ҳам бу борада марказий ўринлардадир, давлатнинг тўлиқ назорати остида фаолият юритади. Бу тизимда иқтисодий қарорлар бозор механизмлари орқали эмас, балки марказий режалаштириш тизими орқали қабул қилинади.

Бундай тизимнинг тарихий мисоли сифатида собиқ СССР ва ҳозирги КХДР (Шимолий Корея) ёки Кубани келтириш мумкин. Унда давлат ишлаб чиқариш ҳажмини, нархларни ва ресурс тақсимотини белгилайди. Илгари афзал жиҳатлари деб эътироф этилган иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий кафолатлар бугунги кунда деярли кузатилмайди, камчилик жиҳатлари эса кўпроқ намоён бўлмоқда, хусусан инновация ва рақобатнинг жуда паст даражада эканлиги, давлат бошқарув тизимида коррупциянинг ривожланганлиги ушбу тизимнинг асосий муаммолари дейиш мумкин.

Ҳозирда марказлашган режа асосида фаолият юритувчи тизим тўлиқ шаклда фақат айрим давлатларда сақланиб қолган бўлса-да, унинг айрим жаҳатлари жаҳон иқтисодиётида ҳали ҳам мавжуд.

Рақамли иқтисодий тизим (финтех ва DeFi).

Рақамли иқтисодиёт XXI асрнинг янги парадигмаси ҳисобланади. Унинг асосий белгиси ахборот технологиялари ва блокчейн орқали иқтисодий муносабатларни автоматлаштириш ва марказсизлаштиришдир.

Бу тизимда банклар ва анъанавий молиявий воситаларнинг аҳамияти камайиб, **финтех, смарт-битимлар, криптовалюталар, DeFi** (марказсизлаштирилган молиявий тизим) каби янги шаклдаги восита ва ёндашувлар пайдо бўлди. Бу эса иқтисодий фаолиятни тезлаштирди ва глобал даражада шаффофлаштирди.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодий тизим хавфсизлик, ҳуқуқий мувофиқлик ва ахборот барқарорлиги нуқтаи назаридан янги муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис, рақамли ва анъанавий тизимлар ўртасидаги ўзаро мослик/мутаносиблик ва интеграция масаласи бугунги кундаги энг долзарб вазифалардандир.

Инклюзив (яшил ва барқарор) иқтисодий тизим.

Сўнгги йилларда “яшил иқтисодиёт”, “ESG”, “инклюзив ривожланиш” тушунчалари глобал иқтисодий сиёсатда марказий ўрин эгалламоқда. Бу моделнинг мақсади иқтисодий ўсишни фақат моддий манфаат нуқтаи назаридан эмас, балки ижтимоий адолат, экологик барқарорлик ва этик масъулият асосида баҳолашдир.

Инклюзив иқтисодиёт анъанавий капиталистик моделни тўлдириб, корпоратив ижтимоий масъулиятни, табиатни муҳофаза қилишни ва барча ижтимоий гуруҳлар учун иқтисодий имкониятларни кенгайтиришни кўзда тутди. Бу тизим ислом иқтисодиётининг “мақосид аш-шариа” ғояси билан ҳам уйғун ҳисобланади, чунки ҳар иккиси барқарор ривожланиш ва адолат тамойилларига таянади. Мақола давомида ушбу тизимлар ўртасидаги ўзаро интеграциянинг фундаментал тамойиллари чуқурроқ таҳлил қилинади.

Турли тизимларнинг ўзаро интеграциясидаги асосий тамойиллар.

Турли иқтисодий тизимларнинг ўзаро интеграцияси мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. У нафақат молиявий ёки институционал бирлашувни, балки фалсафий, ахлоқий ва технологик уйғунликни ҳам қамраб олади. Интеграциянинг самарали бўлиши учун унинг асосида умумий илмий ва амалий тамойиллар тизими ётади. Бу тамойиллар “Systems Integration Theory” ва “Safety Cube” моделининг асосий ғоялари инсон, тизим ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги билан узвий боғланган.

Тизимлилик ва яхлитлик тамойили.

Интеграция фақат иқтисодий манфаат ёки бозор имкониятлари асосида эмас, балки тизимли ёндашув асосида амалга оширилиши керак. Бу дегани, ҳар бир иқтисодий тизимнинг ички тузилмаси, унинг функциялари ва ташқи муҳит билан муносабатлари яхлит ҳолда таҳлил қилиниши лозим.

Тизимли ёндашувнинг устун жиҳати шундаки, у интеграция жараёнидаги барча омилларни сиёсий, ижтимоий, технологик ва ахлоқий яхлит контекстда кўради. Масалан, ислом ва капиталистик тизимлар интеграцияси фақат молиявий маҳсулотлар доирасида эмас, балки қонунчилик, маданий қадриятлар ва таълим тизимлари орқали ҳам амалга ошиши керак.

Ахлоқ ва қадриятлар мувофиқлиги тамойили.

Ҳар қандай иқтисодий тизим муайян қадриятларга асосланади. Капиталистик моделда асосий қадрият фойда ва шахсий эркинлик бўлса, исломда асосий қадрият адолат, ҳалоллик ва ижтимоий масъулиятдир.

Шу боис, иқтисодий тизимларнинг интеграциясида ахлоқий мувофиқлик муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойил интеграция жараёнида фойда олиш билан бирга, адолат ва инсон қадр-қимматини таъминлашни талаб қилади. Масалан, ESG молиявий воситалари ва ислом молия воситалари айнан шу нуқтада ахлоқий инвестициялар тамойилида уйғунликка эришмоқда.

Институционал мослашувчанлик тамойили.

Интеграция жараёнида ҳар бир тизим янги шароитларга мослаша олиши лозим. Бу институционал мослашувчанлик тамойилидир. Унинг моҳияти шундаки, тизим ўз қадриятларини йўқотмаган ҳолда бошқа тизимлар билан ҳамкорлик қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Масалан, ислом молия муассасалари ва ташкилотлари халқаро ҳисобот стандартлари (IFRS, Basel III) билан мослашиб бориши, капиталистик тизим эса ахлоқий ва ижтимоий масъулият мезонларини қабул қилиши мумкин. Бу жараён икки тизим ўртасидаги институционал мослашув ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Технологик мувофиқлик ва рақамли интеграция тамойили.

Замонавий иқтисодий тизимлар интеграциясининг асосий шарти технологик мосликдир. Рақамлаштириш ва финтех ривожланиши натижасида анъанавий ва ислом молия тизимлари умумий рақамли инфратузилма доирасида ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Бугунги кунда “halal blockchain”, “smart sukuk” ва “digital Islamic finance” лойиҳалари айнан технологик интеграция тамойили асосида шаклланмоқда. Бу эса молиявий амалиётларни тезкор, шаффоф ва хавфсиз қилиш билан бирга, шариат талабларига мосликни ҳам таъминлайди.

Шаффофлик ва ишонч тамойили.

Иқтисодий интеграциянинг барқарорлиги учун шаффофлик ва ишонч ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Турли тизимлар ўртасида ахборот алмашинуви, ҳисобот стандартлари ва аудит тизимларининг уйғунлиги интеграциянинг институционал пойдеворидир.

Масалан, халқаро молия ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳисобот стандартлари турли тизимлар ўртасида ахборот мослигини таъминлайди. Бу эса фойдаланувчилар, сармоядорлар ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди.

Барқарор хавфсизлик ва масъулият тамойили.

Rajabalinejad назариясидаги асосий ғоялардан бири хавфсиз интеграция тушунчасидир. Иқтисодий тизимлар интеграциясида хавфсизлик фақат молиявий барқарорлик билан эмас, балки ижтимоий, сиёсий ва экологик барқарорлик билан ҳам боғлиқ.

Масалан, молия бозорларини интеграция қилишда фақат ликвидлик ёки фойда эмас, балки жамият учун хавфсиз иқтисодий муҳит яратиш муҳимдир. Иқтисодий сиёсатлар инсон манфаатлари ва табиий муҳит барқарорлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

Инклюзивлик ва адолат тамойили.

Тизимлар интеграцияси фақат бой давлатлар ёки йирик компаниялар манфаати учун эмас, балки жамиятнинг барча қатламлари манфаати учун хизмат қилиши керак. Бу кенгқамровлик (инклюзивлик) ва адолат тамойилидир.

Иқтисодий интеграция фақат иқтисодий самарадорликка эмас, балки ижтимоий таъсирга ҳам эътибор қаратиши керак. Масалан, микромолия ташкилотлари, ESG лойиҳалари ёки “молиявий вақф” каби моделлар иқтисодий инклюзивликни кучайтиради.

Синергия/ҳамкорлик эмас, унификация тамойили.

Интеграциянинг мақсади турли тизимларни бир хил шаклга келтириш эмас, балки уларнинг кучли жиҳатларини уйғунлаштиришдир. Бу синергия ёки ҳамкорлик/ҳамжиҳатлик тамойилидир.

Масалан, капиталистик тизимнинг инновация салоҳияти, ислом иқтисодий моделининг ахлоқий устунлиги ва рақамли иқтисодиётнинг технологик самарадорлиги бирлаштирилганда, бутун тизимнинг умумий натижаси ҳар бир бўғим/компонентнинг алоҳида/якка самарасидан юқори бўлади.

Турли иқтисодий тизимларнинг ўзаро интеграциясидаги тамойиллар уларнинг фалсафий ва амалий бирлашувини таъминлайдиган асосий йўналишни белгилайди. Бу тамойиллар тизимлилик, ахлоқий мувофиқлик, институционал мослашув, технологиявий уйғунлик, ишонч, хавфсизлик, кенгқамровлик ва синергия/ҳамкорлик замонавий иқтисодий ҳамкорликнинг илмий пойдеворини ташкил этади.

Мақола давомида турли тизимлар ўртасидаги амалий интеграция имкониятлари ва уларнинг истиқболлари таҳлил қилинади.

Турли тизимлар ўртасидаги амалий интеграция имкониятлари

Турли иқтисодий тизимларнинг интеграцияси назарий жиҳатдан мураккаб, аммо амалий жиҳатдан ўта зарур ва долзарб масаладир. Глобал молия бозорларининг ўзаро боғлиқлиги, рақамли технологиялар ривож ва халқаро савдо жараёнлари бу тизимларнинг маълум даражада табиий бирлашувига олиб келмоқда. Бироқ бундай интеграция фақат молиявий манфаатлар доирасида эмас, балки **ахлоқий, барқарор ва хавфсиз ҳамкорлик** тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, турли иқтисодий тизимлар ўртасидаги амалий интеграция қўйидаги йўналишларда намоён бўлмоқда.

Капиталистик ва ислом иқтисодий тизимлар бир-биридан фалсафий жиҳатдан фарқ қилса-да, уларнинг интеграцияси сўнгги ўн йилликда амалий ривож топмоқда. Бу жараённинг асосий платформаси ислом молия восита ва маҳсулотларининг халқаро бозорларда жорий этилишидир.

Масалан, сукук (ислом қимматли қоғозлари) халқаро капитал бозорларида инвестицияларни жалб этишнинг янги усули сифатида фойдаланилмоқда. Лондон, Куала-Лумпур ва Дубай каби молия марказларида сукук бозори капиталистик ва ислом иқтисодий-молиявий тизимлари интеграциясининг амалий намунасига айланган.

Бундан ташқари, ESG тамойилларига асосланган ахлоқий инвестициялар ҳам ислом молиясининг мақсадлари билан уйғун келади. Ҳар икки модел фойда билан бирга ижтимоий масъулиятни таъминлашга интилади. Шунинг учун келгусида “ESG-Sukuk” ёки “Halal Impact Investment” каби гибрид воситалар орқали икки тизимнинг чуқурроқ интеграцияси юз бериши мумкин.

Рақамли технологиялар ислом молия тизимининг замонавий босқичга қўтарилиши учун катта имкониятлар яратмоқда. Бугунги кунда “halal blockchain”, “Islamic smart contracts”, “digital sukuk”, «ҳалол насия», ҳалол акциялар платформаси каби лойиҳалар орқали шариат талабларига мос рақамли молия инфратузилмаси шаклланимоқда.

Масалан, блокчейн технологияси орқали ислом шерикчилиги (мушорака) ёки мудараба шартномаларини автоматлаштириш мумкин. Бу жараён шаффофликни оширади, хавфсизликни таъминлайди ва инсон хатоларини камайтиради.

Шу билан бирга, криптоактивлар ва марказсизлаштирилган молиявий (DeFi) тизимларининг ислом иқтисодиёти билан уйғунлиги масаласи ҳали тўлиқ ҳал қилинмаган. Лекин келгусида шариат қоидаларига мувофиқ рақамли валюталар ёки токенлаштирилган активлар яратилиши орқали икки тизимнинг амалий интеграциясини таъминлаш мумкин бўлади.

Глобал молия тизимида ислом капитал бозори сўнгги икки ўн йилликда мустақил йўналиш сифатида шаклланди. У анъанавий молия тизимидан шариат қоидалари ва ахлоқий меъёрларга риоя этиш нуқтаи назаридан фарқ қилади. Бироқ, жаҳон иқтисодиётининг ягона бозор шаклида фаолият юритиши ислом капитал бозорини анъанавий тизим билан муайян шартлар асосида интеграция қилишни тақозо этади.

Ислом капитал бозорининг асосий мақсади реал иқтисодий фаолиятга асосланган, фоизсиз ва адолатли молиявий муносабатлар асосида бозор иштирокчиларини молиявий маблағлар билан таъминлашдир. Шу сабабли, бу бозордаги асосий молиявий воситалар шерикчилик ва активга асосланган воситалардир. Улар қаторига сукук (ислом облигациялари), мушорака (шериклик), мудараба (ишончли бошқарув асосидаги инвестиция) ва ижара (лизинг) каби шартномалар киради.

Анъанавий капитал бозори эса фоиз ставкалари, қарз инструментлари ва спекулятив амалиётларга таянади. Шу боис, икки тизим ўртасидаги интеграция фақат техник эмас, балки маънавий ва ҳуқуқий мослашувни талаб этади.

Интеграциянинг амалий йўллари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Шариат меъёрларини халқаро молиявий қоидалар билан уйғунлаштириш. AAOIFI ва IFRS стандартларининг яқинлашуви ислом молия маҳсулотларининг халқаро бозорларда қабул қилинишига ёрдам беради. Масалан, сукук эмиссияларини рейтинглаш ва ҳисобот меъёрларини бирхиллаштириш инвесторлар учун хатарларни камайтиради ва уларга бўлган қизиқишни оширади.

2. ESG ва ислом молияси ўртасидаги концептуал уйғунлик. Ҳар икки тизим ҳам ахлоқий инвестиция ғоясига асосланади. ESG тамойиллари (экология, ижтимоий масъулият ва корпоратив бошқарув) ислом иқтисодиётининг шариат мақсадлари — адолат, масъулият ва барқарор ривожланиш талабларига мос келади. Шу сабабли, “Halal ESG” ёки “Green Sukuk” каби гибрид инструментлар интеграциянинг амалий йўналишига айланиб бормоқда.

3. Қўшма молиявий институтлар ва платформаларни ривожлантириш. Халқаро бозорларда ислом ва анъанавий молия муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик ислом капитал бозорини глобал тизимнинг бир қисмига айлантирди. Бу, ўз навбатида, ликвидликни ошириб, янги инвестиция оқимларини жалб қилади.

4. Қонунчилик ва регулятив базани мувофиқлаштириш. Ислом капитал бозорининг тўлиқ интеграцияси учун халқаро регуляторлар масалан, IOSCO, IMF ва IFSB билан ҳамкорлик муҳим. Бу орқали сукук, исломий REITs, ва бошқа активлар халқаро юрисдикцияларда тўлиқ тан олинади.

5. Ахборот ва таълим инфратузилмасини ривожлантириш. Ислом молияси бўйича таълим, кадрлар тайёрлаш ва ахборот платформалари интеграциянинг барқарор омилларидан биридир. Бу соҳадаги илмий тадқиқотлар ва кадрлар етишмаслиги ҳали ҳам асосий тўсиқлардан ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Турли иқтисодий-молиявий тизимларнинг ўзаро интеграцияси бугунги глобал иқтисодий ривожланишнинг энг долзарб илмий ва амалий йўналишларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув, рақамли иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш

концепцияларининг бир пайтда мавжудлиги иқтисодий тизимларнинг янги турдаги ўзаро боғлиқлигини яратмоқда. Бу жараёнда нафақат иқтисодий самарадорлик, балки инсон қадр-қиммати, ахлоқий меъёрлар ва ижтимоий адолатни таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, турли иқтисодий тизимлар капиталистик, исломий, марказлашган, рақамли ва инклюзив бир-биридан фалсафий ва институционал жиҳатдан фарқ қилса-да, уларнинг умумий мақсади барқарор ривожланиш ва ижтимоий фаровонликка эришишдир. Бу тизимларнинг интеграцияси нафақат иқтисодий, балки тамаддун ривожига даражасида аҳамиятга эга, чунки у глобал иқтисодий муносабатлардаги қадриятлар уйғунлигини таъминлайди.

Тадқиқот давомида аниқланган фундаментал тамойиллар тизимли интеграция назарияси нуқтаи назаридан қуйидагича умумлаштирилади:

1. Тизимлилик ва яхлитлик интеграцияни фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий ва маданий жараён сифатида кўришни талаб қилади.

2. Ахлоқий мувофиқлик иқтисодий тизимлар ўзаро ҳамкорлигида ахлоқий қоидаларни уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

3. Институционал мослашувчанлик турли тизимлар қонунчилик, стандартлар ва бозор қоидаларидаги фарқларни бартараф этиш қобилиятига эга бўлиши керак.

4. Технологик уйғунлик рақамли иқтисодиёт ва финтех воситалари интеграциянинг амалий пойдеворини яратади.

5. Шаффофлик ва ишонч интеграциянинг самарадорлиги учун маълумот алмашинуви ва ҳисобот тизимлари стандартлашган бўлиши лозим.

6. Хавфсизлик ва барқарорлик молиявий тизимлар инсон ва муҳит учун хавфсиз бўлиши керак.

7. Кенгқамровлик ва адолат интеграция натижасида жамиятнинг барча қатламлари фойда кўриши лозим.

8. Ҳамкорлик интеграциянинг мақсади тизимларни бир хиллаштириш эмас, балки уларнинг кучли жиҳатларини бирлаштириб, янги илғор модел яратишдир.

Айтиш мумкинки, иқтисодий тизимлар интеграцияси бу рақобат эмас, ўзаро тўлдирувчи ҳамкорлик жараёнидир. Масалан, капиталистик тизим инновация ва самарадорликни таъминласа, исломий тизим ахлоқий барқарорликни, рақамли тизим эса технологик тезкорликни таъминлайди. Бу уч омилнинг уйғунлиги жаҳон иқтисодий тизимининг янги ҳамкорликка асосланган моделини шакллантиради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у турли иқтисодий тизимлар интеграцияси учун қўлланилиши мумкин бўлган илмий асосларни белгилайди. Хусусан:

– ислом ва анъанавий молия тизимлари ўртасидаги мувофиқликни таъминловчи гибрид молиявий инструментлар яратиш,

– халқаро ҳисобот ва стандартлаштириш тизимларини уйғунлаштириш,

– рақамли иқтисодий инфратузилмани умумий платформа асосида қуриш,

– иқтисодий сиёсатда инсон, тизим ва муҳит мувозанатини таъминлаш тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий тизимлар интеграцияси келажакда жаҳон иқтисодиётининг барқарорлиги ва шу билан бирга унинг маънавий қиёфасини сақлаб қолишнинг асосий шартига айланади. Бу жараённинг илмий асосини тизимли ёндашув ва “инсон – тизим – муҳит” парадигмаси ташкил этади. Шу йўналишдаги илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки инсониятнинг умумий маънавий ва цивилизация ривожига ҳисса қўшади.

Адабиётлар / Литература / Literature:

AAOIFI. (2022). *Shariah Standards for Islamic Financial Institutions*.

Arif-Ur-Rahman, M. (2020). Financial integration and total factor productivity: evidence from global markets. *Journal of Economic Structures*, 9(1), 1–14. URL: <https://journalofeconomicstructures.springeropen.com/articles/10.1186/s40008-020-00201-9>.

Frost, D. (2021). From financial innovation to financial integration. *Finance & Development (IMF Journal)*, March 2021 Issue. URL: <https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2021/03/>

Haddad, S. (2023). Global Financial Market Integration: A Literature Review. *Journal of Risk and Financial Management*, 16(12), 495. URL: <https://www.mdpi.com/1911-8074/16/12/495>.

IMF. (2021). *Fintech and the Future of Finance*.

OECD. (2020). *Principles on Sustainable Finance*.

Rajabalinejad, M., van Dongen, L., & Ramtahaling, M. (2020). *Systems Integration Theory and Fundamentals*.

World Bank. (2023). *Global Financial Development Report*.

Алимова, А. (2021). Интеграция принципов ESG в финансовую сферу Республики Узбекистан. *Green Economy and Development Journal*, 3(2). URL: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/5354>.

Голодова, А. (2021). Развитие финансовой интеграции в условиях внедрения финансовых технологий в странах ЕАЭС. *Вестник Российского университета дружбы народов, Серия: Международные отношения*. URL: <https://journals.rudn.ru/international-relations/article/view/30686>.

Обидов, А. (2021). Интеграцион потенциал финансовых систем: региональный анализ. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, №6. URL: [https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/26 Obidov.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/26%20Obidov.pdf).

Хомякова, Л. И. (2024). Экономическая интеграция стран СНГ в финансовой сфере. *Российский внешнеэкономический журнал*, №2. URL: <https://journal.vavt.ru/rfej/article/view/1073>.

Юсупов, Б. (2021). Интеграция финансовых технологий и цифровой экосистемы в стратегии устойчивого роста банковского сектора Узбекистана. *Science and Practice*, 6(1). URL: <https://journal.imras.org/index.php/sps/article/view/2581>.